

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил декабрь ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, очик суд мажлиси, ўз биносида, судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Боғдод туман прокурори катта ёрдамчиси Д.Каримовнинг қатнашувида, судланувчи М.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси “Advokat Soxib Xomidov” адвокатлик бюросининг адвокати С.Ҳомидовнинг иштирокида, Абдуллаев Машраб Ахмаджоновичга оид 1-1507-2401/335-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Абдуллаев Машраб Ахмаджонович (Abdullayev Mashrab Axmadjonovich), 1953 йил 24 октябрь куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, нафақада, муқаддам судланмаган, Боғдод тумани, Матқулобод МФЙ, Юксалиш кўчаси, 25-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 30 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Абдуллаев ғаразли ва бошқа паст ниятларда 2024 йил 23 ноябрь куни соат 15:00ларда 100.000 сўм пул эвазига Бағдод тумани, Матқулобод МФЙ, Юксалиш кўчаси, 25-уйда Т.Умаржонов ва З.Орифжонованинг жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб, қўшмачилик қилган.

Боғдод тумани ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбир давомида, М.Абдуллаевдан Т.Умаржонов ва З.Орифжонованинг жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бериши эвазига олган 100.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи М.Абдуллаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 23 ноябрь куни Зилола исмли таниши қўнғирок қилиб, яшаш хонадонига пул эвазига жинсий алоқа қилмоқчи эканлигини, шу сабабли унга жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берса 100.000 сўм беришини айтгани, сўнг Зилолани таклифига рози бўлиб, шу куни соат 15:00ларда Зилола таниши Тохир исмли бола билан бирга келгани, уларга тайёрлаб қўйган хонани кўрсатгани, Зилола 100.000 сўм пул бергани, бироздан сўнг уйига ИИБ ходимлари келиб, тадбир ўтказилганини айтишиб,



100.000 сўм пулларни холислар иштирокида ашёвий далил сифатида олишгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, нафақада эканини соғлиги яхши эмаслигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

М.Абдуллаев айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

гувоҳ Т.Тургуновнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 23 ноябрь куни Бағдод тумани марказида ўз ишлари билан юрганида ўзларини ИИБ ходимлари деб таништирган фуқаролик кийимидаги шахслар келишиб бир ишда холис сифатида иштирок этишни таклиф қилишгани, уларни таклифига ўз хоҳиши билан рози бўлгани, сўнг ИИБ ходимлари билан бирга Бағдод тумани Матқулбод МФЙ Юксалиш кўчаси 25-уйда яшовчи М.Абдуллаевнинг яшаш хонадонига боришгани, у ерда М.Абдуллаев 100.000 сўм пул эвазига фуқаро Умаржонов Тохиржон Расулжон ўғли билан фуқаро Орифжонова Зилолахон Икромжоновнага жинсий алоқа қилиши учун қулай шароит яратиб бериб, эвазига 100.000 сўм пул олгани аниқлангани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, Т.Умаржонов ва З.Орифжоноваларни аризаси, пулларга ишлов бериб аризага тақдим этиш, тадбир ўтказиш, ашёвий далилларни олиш, пулларни қайтариб олиш ҳақидаги баённомалар ва иловалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Абдуллаевнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, М.Абдуллаев 2024 йилнинг 23 ноябрь куни соат 15:00ларда ғаразли ва бошқа паст ниятларда яшаш хонадони, яъни Бағдод тумани Матқулбод МФЙ Юксалиш кўчаси 25-уйда Т.Умаржонов билан З.Орифжоновнага 100.000 сўм эвазига жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб, қўшмачилик қилиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”лиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори тушунтиришларига қатъий амал қилиб, судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда, шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноят содир этганидан кейинги ҳуққ-атворини инобатга олиб:

Суд, судланувчи М.Абдуллаевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Қонун ва Олий суд Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг ўз айбига



иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароити ва моддий аҳволини, нафақада эканлигини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида жиноятни ғаразли мақсадда содир этган деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, нафақада эканлигини, соғлигини, боқувчиси йўқлиги содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкцияси доирасида назарда тутилгандан кўра камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 100.000 сўм пуллар ЖҚБ тезкор вакили С.Жумаевга тилхат орқали қайтарилгани сабабли муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Абдуллаев Машраб Ахмаджонович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Абдуллаев Машраб Ахмаджоновичга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари 3.750.000 (уч миллион етти юз эллик минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

М.Абдуллаевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 100.000 сўм пуллар ЖҚБ тезкор вакили С.Жумаевга тилхат орқали қайтарилгани эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

О.Сиддиқов

“Аслига тўғри”

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов

